

Дунёдаги энг мард ва олийжаноб инсон Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламдирлар.

У зот алайҳиссалом қачон қизлари Фотима розияллоҳу анҳо кирсалар ўрниларидан туриб кутиб олар ва у кишини ўзларига муносиб жойга ўтқизар эдилар.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Яхшиларингиз аҳлига яхшиларингиздир. Мен аҳлига яхшингизман. Қачон соҳибингиз вафо қилса, уни тек қўйинглар»**, - дедилар».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам туяда кетаётган аёлларни назарда тутиб, туя етакловчига «Рифқон билқоварийр» («Эй Анжаша, оҳиста юр! Шишаларга эҳтиёт бўл!») деганлар.

У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларнинг ожизалигини, нозик хилқатлигини ҳисобга олиб, уларни «Шишалар» деб атамоқдалар. Шунинг учун туяларни оҳиста ҳайдашни тайинламоқдалар. Шиша қўполлик сабабли синганидек, аёлнинг ҳам қўпол муомала сабабли қалби синиб қолиши, туя тез юрса, улар ўзларини ноқулай ҳис этишлари эҳтимоли бор.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг баъзи аёллари ҳузурда эдилар. Мўминларнинг оналаридан бирлари ўз ходимларидан бир идишда таом солиб юбордилар. Бас, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уйида турган (аёл) ходимнинг қўлига урди. Идиш тушиб, иккига бўлинди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам идишнинг икки бўлагини бир-бирига қўшиб жамлаб, унга таомни йиға бошладилар ва **«Онанингиз рашк қилди»**, - дедилар. Сўнгра у Зот хизматчини ҳам, идишни ҳам токи у Зот уйида турганнинг ҳузурдан идиш келтиргунча, тутиб турдилар. Бас, бутун идишни синганга ва синган идишни синдирганга бердилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бу ҳадисда ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёлларига нақадар меҳрибон эканликларини кўришимиз мумкин. Оиша онамиз кундошлари юборган таомнинг лаганини уриб синдириб, овқат ерга тўкилганда, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам индамасдан

синган лаганни бирлаштириб, унга тўкилган таомларни тўплаганлар ва меҳмонларга таомни узата туриб, «Онангиз рашк қилди» деганлар.

«Меҳмоннинг олдида ҳам шундай қиласанми? Ўзингни босиб олсанг бўлмайдами? Мени ноқулай аҳволга солиб қўйдинг» демаганлар.

Демак, аёлга бақириб, қўпол гапириб, сўкиб, камситиб, ҳақорат қилиш мардлик, эркаклик белгиси эмас экан. Балки, уларнинг нозиклигини, қовурғанинг қийшиқ жойидан яратилганини, рашк туйғуси ҳамма аёлларда борлигини ҳисобга олиш керак экан.

Шундай бўлгач, аёлни уриб, тепиб, қўлини қайириб, сочидан тортиб, судраб дўппословчиларни ким дейиш мумкин?!

Аллоҳ таоло барчамизни Ўзининг ҳидоятидан айирмасин ва хотимамизни чиройли қилсин!

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади